

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ГУЛИСТОН ТУМАНИ МАКТАБЛАРИНИНГ КАСАЛЛАНИШ ТАҲЛИЛИ

*Нодирбек Исломбекович Юсуфов*  
*Хайитов Жавоҳир Баҳодирович*  
*Салохиддинов Фахриддин Бахриддинович*  
*Тошкент тиббиёт академияси*

Ушбу тадиқот давомида назорат остига Сирдарё вилоятининг Гулистон туманидаги 2, 15 ва 30-сонли умумтаълим мактабларида таълим олаётган 2021 йилда 1830 нафар, 2022 йилда 1836 нафар ва 2023 йилда 1926 нафар мактаб ўқувчилари олиниб, уларнинг 3 йиллик тиббий кўрик натижалари Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10 (1993) асосида таҳлил қилинди. Тиббий кўрик жараёни сифатли ўтказилишини таъминлаш учун педиатр, гематолог, эндокринолог, невропатолог, отоларинголог, офтальмолог ва хирург-ортопед каби тор мутахассислар жалб этилган. 2021 йилда мактаб ўқувчилари орасида энг кўп тарқалган касалликларига (IV синф), тиш кариеси ва эндемик буқоқ, (III) темир танқислик камқонлик касаллиги, (VII) нафас олиш тизими ва кўриш тизими аллергияси ва миопия (XIII) тана ҳолатининг издан чиқиши эгаллаган бўлса, 2022 йилда IV; XII; III; VII ва XIII синф касалликлари эгалланган бўлса, 2023 йилда эса (IV, III, XII, XIII ва VII синф касалликлари эгаллаганлиги кўриниб турибди. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мактаб ичи омилларини гигиеник талабларга мослаштириш ва ўқувчилар саломатлик ҳолатини даврий назорат қилиш талаб қилинади.

**Калит сўзлар.** мактаб ўқувчилари, мактаб ичи омиллари, касалланиш ҳолати ва олдини олиш чора-тадбирлари.

**Муаммонинг долзарблиги.** Замонавий мактабларнинг асосий вазифларидан бири давлатимиз келажаги учун юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш базасини яратишдан иборат бўлиб, шу билан биргаликда ўқувчилар организмнинг гормоник ривожланиши, жисмоний ва ақлий ривожланишнинг мутоносиблиги ва юқори ишлаш қобилиятини таъминлашдан иборат.

Замонавий мактаб ўсиб келаётган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ва таълим бериш, мактаб ичи омилларини таъсирини камайтириш, таълимнинг турли компонентларини тўғри ташкиллаштириш, асосий компонентларнинг ўқувчилар саломатлик ҳолатини издан чиқишини олдини олиш ва сурункали касалликларни камайтиришдан иборат [1;2;6; 9;10].

Мактаб ўқувчиларининг кун тартибининг издан чиқиши нафақат ўқув жараёнини издан чиқиши, балким, улар орасида касалланиш даражасини ортишига шароит яратганлиги қатор муаллифларнинг ишларида қайт қилинган [1; 4;5;8;9;10].

**Тадқиқотнинг мақсади** мактаб ичи омилларининг ўсувчи организмга таъсири ва унинг натижасида ривожланадиган касалланиш даражасини гигиеник таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг материал ва усуллари.** Тадқиқот ишлари Сирдарё вилоятининг Гулистон туманидаги 2, 15 ва 30-сонли умумтаълим мактабларида амалга оширилди.

Болаларнинг саломатлик ҳолатини гуруҳлари ажратишда С.М.Громбах, В.Р.Кучма ва Г.И.Шайхова томонидан тавсия этилган 1, 2, 3, 4 ва 5 гуруҳлари асосида баҳоланди.

Мактаб ўқувчилари умумий сони 2021 йилда 2 мактабда 675 нафарни, 15 мактабда 835 нафарни, 30 мактабда 320 нафарни; умумий мактаб ўқувчилари сони 1830 нафарни ташкил қилган бўлса, 2022 йилда 2 мактабда 681нафарни, 15 мактабда (840 нафарни) 30 (315 нафарни) ни ташкил қилиб умумий ўқувчилар сони 1836 нафарни ташкил қилган. 2023 йилда эса 2 мактабда 695 нафарни, 15 мактабда (846 нафарни) 30 (385 нафар) умумий мактаб ўқувчиларининг сони ушбу ўқув йилида эса 1926 нафарни ташкил қилди.

Мактаб ўқувчиларнинг профилактик тиббий кўрик натижалари ҳамда мурожаатлар бўйича касалликлар таҳлили Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10 (1993) асосида амалга оширилган.

Тиббий кўрик жараёни сифатли ўтказилишини таъминлаш учун педиатр, гематолог, эндокринолог, невропатолог, отоларинголог, офтальмолог ва хирург-ортопед каби тор мутахассислар жалб этилган.

Мактаб ўқувчилари саломатлик ҳолатини баҳолаш (026-ҳисоб шакли) картаси ҳамда ўқувчилар ривожланишининг картаси (112-ҳисоб шакли) натижалари асосида баҳоланган.

Илмий натижалар сифати ва аниқлигини таъминлаш учун ўртача уч ўқув йилидаги касалланишлар (ўқув йили боши (сентябр–октябр) ва охири (май–июн)), профилактик кўриклар маълумотлари асосида баҳоланган ва ҳар бир ўқувчининг саломатлик гуруҳлари аниқланган ва олинган натижалар уларнинг шахсий ривожланиш карталарида қайт қилинган.

Олинган натижаларнинг таҳлили белгиланган статистик таҳлиллар асосида амалга оширилди.

**Олинган натижаларнинг таҳлили.** Мактаб ичи омилларининг мактаб ўқувчиларнинг саломатлик ҳолати ва ишлаш қобилиятига таъсирини гигиеник

таҳлил қилиш учун тиббий кўрик натижаларининг маълумотлари асосида амалга оширилди.

Олинган натижаларнинг таҳлили қилиш учун мактаб ўқувчиларнинг саломатлик ҳолатини баҳолаш ва мактабдаги касалланиш ҳолатини таҳлилин аналга оширишда биз томондан 2021 ва 2023 йиллар давомида амалга оширилган тиббий кўриқлар натижалари асосида амалга оширилди.

Мактаб ўқувчиларнинг тиббий кўрик натижалари 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Сирдарё вилояти Гулистон туман мактабларида йиллар кесимида тиббий кўриқда аниқланган касалликлар натижалари ( 2021 йил натижалар асосида)**

№	Касалликларнинг таснифи	2	15
IV	Эндокрин тизими касалликлари, овқатланиш тартибсизлиги ва моддалар алмашинуви бузилишлари	223,63±19,36	221,92±18,35
III	Қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва иммун механизмни жалб этувчи айрим бузилишлар	122,74±12,56	119,24±12,11
VII	Кўз ва унинг кўшимча аппарати касалликлари	101,03±12,47	86,68±10,63
X	Нафас олиш аъзолари касалликлари	95,96±9,77	94,73±8,26
XIII	Суяк-мушак тизими ва қўшувчи тўқима касалликлари	93,9±11,47	88,07±11,03
I	Баъзи инфекцион ва паразитар касалликлар	59,93±9,82	51,12±8,8
XII	Тери ва тери ости тўқима касалликлари	49,66±8,99	47,92±8,54
VI	Нерв тизими касалликлари	37,67±7,88	38,34±7,67
XI	Овқат ҳазм қилиш касалликлари	23,7±6,81	21,18±4,2
XIV	Сийдик таносил тизими касалликлари	10,27±4,17	7,99±3,56
IX	Қон айланиш тизими касалликлари	5,14±2,96	3,19±2,26
VIII	Қулоқ ва сўрғичсимон ўсма касалликлари	5,14±2,96	1,6±1,6
XVII	Туғма аномалиялари, деформациялар ва хромосом бузилишлар	3,27±0,9	3,11±1,16
	<b>жами</b>	<b>832,04</b>	<b>785,09</b>

1-жадвалдан кўриниб турибдики, умумий текширилган мактаб ўқувчилари орасида энг кўп тарқалганлар нисбатини эндокрин тизими касалликлари, овқатланиш тартибсизлиги ва моддалар алмашинуви бузилишлари (IV) касалликларига гуруҳига киритилган бўлиб, ушбу гуруҳдаги тиш кариеси

назорат остига олинган 1-сон мактаб ўқувчилари орасида  $223,63 \pm 19,36$  ни ташкил қилган бўлса, шаҳардаги 17-мактаб ўқувчилари орасида эса  $221,92 \pm 18,35$  ни ташкил қилган. Кейинги навбатдаги энг кўп тарқалган касалликларни қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва иммун механизмни жалб этувчи айрим бузилишлар (III)  $122,74 \pm 12,56$  ва  $119,24 \pm 12,11$  ни ташкил қилган бўлса, кейинги ўрнинини кўз ва унинг қўшимча аппарати касалликлари (VII)  $101,03 \pm 12,47$  ва  $86,68 \pm 10,63$  ни ташкил қилган. Назорат остига олинган мактаб ўқувчилар орасида тўртинчи ўрнини нафас олиш аъзолари касалликларининг тарқалганлик даражаси (X)  $95,96 \pm 9,77$  ни ташкил бўлса, 17 мактабда эса  $94,73 \pm 8,26$  ни ташкил қилган бўлса ва ранг кўрсаткичи бўйича бешинчи ўрини суяк мушак тизими ва қўшимча тўқима касалликлари (XIII)  $93,9 \pm 11,47$  ни ва  $88,07 \pm 11,03$  ни ташкил қилган.

Олинган натижаларнинг таҳлилидан кўриниб турибдики, кейинги ўринларни тери ва тери ости тўқима касалликлари ва ундан кейинги ўринларни эса юқумли ва паразитар касалликлари эгалланганлиги кўриниб турибди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Баранов А. А., Альбицкий В. Ю. Состояние здоровья детей России, приоритеты его сохранения и укрепления. //Казанский медицинский журнал. 2018; т.99, 4: 698-703.
2. Баранов А. А., Намазова-Баранова Л. С., Альбицкий В. Ю., Терлецкая Р. Н. Состояние здоровья детей современной России (Серия «Социальная педиатрия», выпуск 20). М.: «Педиатр». 2018. 120 С.
3. Маматқулов, Б., & Абдурахимов, Б. А. (2020). Тоғ қон саноати ишчиларининг саломатлиги ва хавф омилларини бошқаришга тизимли ёндашиш. Тиббиётда янги кун, 4(32), 162-165.
4. Маматқулов, Б., Аvezова, Г. С., Абдурахимов, Б. А., & Адилова, З. У. (2019). Тоғ қон саноатидаги ишчилар касалланиши, улар саломатлигига ишлаб чиқариш омилларининг таъсири. Тиббиётда янги кун, 4(28), 191-195.
5. Askarov, O. O., Abdurakhimov, B. A., & Janani, V. (2023). RESULTS AND SURVEYS ABOUT AWARENESS OF THE MITRAL VALVE PROLAPSE.
6. Mamatkulov, Z. S. S. B. M., & Abdurakhimov, B. A. (2022). Features of Morbidity of Workers in the Copper Industry.